# Qishloq hayoti

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 12-APREL, JUMA, 46 (8127)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**Жарқўрғон туманидаги "Iskandar-Isroil" кўп тармоқли фермер хўжалигида 50 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланган. Хўжаликда ташкил этилган иссиқхонада лимон, помидор ва бодринг етиштирилиб, аҳоли арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавот билан узлуксиз таъминланаётир.** 2



**Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича Бухоро вилоятида ҳам катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар мустаҳкамлиги, улардаги яратилган барча шарт-шароитлар қишлоқ аҳлининг эътиборини тортмоқда.** 3




**Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида давом этаётган оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги IV жаҳон чемпионатининг навбатдаги ғолиб ва совриндорлари маълум бўлди.** 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Италиянинг "AQ International" компанияси президенти Сальваторе Качёла раҳбарлигидаги киноижодкорлар Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда "Ўзбекистон: цивилизациялар чорраҳасида" ҳамда Орол денгизи фожиасининг атроф-муҳитга зарарли таъсирига бағишланган "Кўзингни оч" мавзуидаги ҳужжатли илмий-оммабоп фильмларини суратга олишга киришди. "Ўзбекистон: цивилизациялар чорраҳасида" фильми Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимизда суратга олинади.

► **Лакителек шаҳридаги Венгрия Халқ Академиясида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ҳамда ўлкамизнинг сайёҳлик салоҳияти мавзуига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

► Хоразм вилоятида Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги тасвирий санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернат биноси тубдан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

► **Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда йигирма тўрт нафар йигит-қизга ишга кириш учун йўлланма берилди.**

Наманган Вилояти

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА




# ТАЙЁР ДАСТЁР, САЛОМАТЛИККА ҲАМ ФОЙДАСИ БОР

**Яқинда пойтахтда бўлдим. Кечки пайт сайрга чиқдим. Шаҳар кўчаларида эътиборимни велосипед миниб юрган бир гуруҳ ёшлар тортди. Катта йўлларда машқ қилаётган велоспортчиларга тез-тез кўзимиз тушиб турарди. Аммо бу каби ҳаваскорларни аввал кўрмагандим. Баҳорнинг майин шабадаси велосипед сайрида янада завқ бағишлашини ўйлаб, ёшларга ҳавас билан боқаман. Бахтли даврда...**

Велосипеднинг оммалашиб бораётгани мени хурсанд қилди. Боиси, бунинг яхши томонлари кўп. Аввало, соғлиққа фойда. Бунинг устига, тайёр дастёр. Ғир этиб, дўкон ё бозорга ўтиб келаверасиз. Бир танишимиз айтгандай "экологик тоза улов". Шулар ҳақида ўйлаб юрганимда Наманганда велосипед ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхона ҳақида эшитиб қолдим. Дарров ўша корхона фаолияти ҳақида ёзмоқ истагида Норин туманига йўл олдик.

Туман маркази — Ҳаққулобод шаҳридаги "Norin mechanikal plant" корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги "2009–2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси бўйича барпо этилиб, давлатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги байрами арафасида ишга туширилган эди.

Умумий қиймати 2 миллион 895 минг АҚШ долларини ташкил этган лойиҳа кореялик ишбилармонлар ҳамда "Норин тумани МТП" очиқ акциядорлик жамияти ҳамкорлигида амалга оширилган. Лойиҳага кўра, корхонада Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган "Nexia", "Matiz", "Spark", "Damas" автомобиллари учун йилига 199 минг комплект бутловчи қисмлар ва 50 мингта велосипед ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлиб, дастлабки босқичда белгилангандек етмиш турдан зиёд босма темир деталлар, яъни автомобиль бутловчи қисмлари ишлаб чиқарилди. Бугунга келиб, лойиҳанинг навбатдаги босқичи ҳам амалиётга татбиқ этилди. Натижада корхонада хориж технологияси асосида беш турдаги катталар ва болалар велосипедлари ишлаб чиқарила бошланди. Қурилиш-монтаж ишлари, ғилдираклар ва металл рамалар тайёрлаш ускуналари, бўяш технологик линияси ва йиғиш цехларини ўрнатиш каби ишларни ўз ичига олган мазкур лойиҳани молиялаштиришда "Асакабанк" ҳам 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит маблағи билан иштирок этди.

(Давоми 2-саҳифада)

# ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Давлат котибининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича ёрдамчиси Майкл Хаммер билан учрашув бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳаларда изчил тараққий этмоқда, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация қоидаларига мувофиқ конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш тамойиллари асосида ривожланмоқда.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Томонлар икки мамлакат манфаатларига дахлдор бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Майкл Хаммер юртимизга ташрифи доирасида бир қатор илмий-тадқиқот ҳамда олий таълим муассасаларида ҳам учрашувлар ўтказди.

**ЎзА**




Тошкент Вилояти

## ЯНГИ ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

**Бекобод шаҳрида замонавий диагностика маркази биноси фойдаланишга топширилди. Марказда 15 нафар малакали тиббиёт ходими учун янги иш ўрни яратилди.**

Ушбу иншоот "Ўзметкомбинат" ОАЖнинг 3 миллиард сўмлик маблағи ҳисобига бунёд этилди. Мажмуадан компьютер тамографияси билан бирга эндоскопия ва ультратовуш ташхислари хонаси, янги лаборатория ҳамда дорихона ўрин олган.

— Биз илгарилари замонавий табобатнинг мазкур хизматларидан фойдаланиш учун қарийб 100 километрдан зиёд йўл босиб Тошкент шаҳрига бориб келар эдик, — дейди бемор, меҳнат фахрийси Гулмира Ниёзметова. — Энди мана шундай марказларнинг ўзимизда очилиши нафақат комбинат ишчи-хизматчилари учун, балки шаҳар ва қўшни туманлар аҳолиси учун ҳам катта қулайлик бўлди.

**Иброҳим ТОШЕВ**

Сирдарё Вилояти

## ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИ ИШГА ТУШДИ

**Мирзаобод тумани "Оқолтин" СИУ ҳудудида иш бошлаган "Мирзаобод аср парранда" МЧЖ паррандачилик фабрикасида кунига 20 минг дона тухум олинмоқда.**



Ўтган йили декабрь ойида фабрикага "Туронбанк" ОАТБ сармояси ҳисобидан 45 мингта "Ломан браун" ва "Минорка" зотли товуқ жўжалари келтирилиб, 3 та цехга жойлаштирилди. Умумий майдони 5 гектардан иборат фабрика Италиядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Энг муҳими, 50 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Қашқадарё Вилояти

## ҲУНАРЛИНИНГ ИШИ УНАР

**Ҳунарманд Ҳалима Саломова "Касбипахтатозалаш" ОАЖ кўмагида касаначилик асосида ўн нафар хотин-қизнинг доимий бандлигини таъминлади.**

Қўли гул ҳунармандлар томонидан тайёрланган турли тикувчилик, қуроқчилик ва каштачилик маҳсулотларига бошқа қишлоқ ва туманлардан ҳам кўплаб буюртмалар тушмоқда. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар бежирим ва нафислиги, қадриятларимиз ҳамда замонавийликни ўзида акс эттирганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН «FOODEX-2013» КЎРГАЗМАСИДА

## ЯҚИНДА ЯПОНИЯНИНГ ЧИБА ПРЕФЕКТУРАСИГА ҚАРАШЛИ МАКУХАРИ ШАҲРИДА «FOODEX-2013» ХАЛҚАРО ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ИЧИМЛИКЛАР КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Мазкур халқаро тадбирда дунёнинг олтмишдан ортиқ мамлакати, шу жумладан, Ўзбекистон делегацияси вакиллари ҳам иштирок этди. Унда «FOODEX-2013» кўргазмаси қатнашчилари ва меҳмонларига юртимиз заминида етиштириладиган асал маҳсулотлари намойиш этилгани баробарида тадбир доирасида Япония компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган учрашув ва музокаралар ҳам ўтказилди.**

"Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида **"Kawaguchi Trading Co. Ltd." савдо компанияси президенти Кен Ито** ўзи раҳбарлик қилаётган компания хориж мамлакатларидан Японияга турли асал маҳсулотларини импорт қилишга ихтисослашганини маълум қилди. "Бундан ташқари, биз янги инновация технологиялари ёрдамида асални қайта ишлаш ва қадоқлаш ишлари билан ҳам шуғулланамиз", деди у.

К.Итонинг сўзларига қараганда, халқаро кўргазма чоғида Ўзбекистон вакиллари томонидан намойиш этилган экологик тоза ва табиий асаллар ўзининг ажойиб таъми билан хориждаги ва Япониядаги асал маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган компанияларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Шунингдек, у мамлакатимиз асаларичилик хўжаликларининг фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида юртимизга бориш истагида эканлигини билдирди.



**Халқаро савдо ярмаркалари департаменти директори Такаши Цунеми** Ўзбекисон делегациясининг "FOODEX-2013" халқаро кўргазмадаги иштироки юртимизда етиштирилган табиий тоза асал маҳсулотлари билан яқиндан танишиш ва ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилишда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

**Япония Ташқи савдони ривожлантириш ташкилотининг**

Унинг фикр билдиришича, табиий ва саломатлик учун кони фойда бўлган Ўзбекистон асаларичилик маҳсулотлари юқори сифати ҳамда алоҳида таъми билан истеъмолчиларнинг эътиборига тушган. "Бундан ташқари, Японияда ўтказилган экспертизалар натижалари ҳам ўзбек асалининг ижобий хислатларга эга эканлигини тасдиқлади", деди Т. Цунеми.

**"JET Co. Ltd." компаниясининг менежери Минору Фужимото** табиий асал моддалар алмашинувини меъёрга келтириш орқали инсон организми иммунитетини кучайтириш ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш сингари шифобахш хусусиятларга эга эканлигини таъкидлади. "Асаларичилик жабҳаси вакили сифатида кўпгина давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам мазкур соҳанинг ривожланиш жараёни билан яқиндан танишман. Мамлакат раҳбарияти томонидан асаларичиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ушбу тармоқнинг изчил ривожланиб бориши, аҳоли саломатлигининг янада мустаҳкамланиши ва атроф-муҳит ҳолатининг яхшиланишида муҳим аҳамият касб этаётир", деди М. Фужимото.

Ўзбекистон делегациясига "FOODEX-2013" халқаро кўргазмасидаги фаол иштироки учун ўз миннатдорчилигини изҳор этар экан, **"Toyohara Co. Ltd." компаниясининг директори Кендзи Ичиношеки** мазкур тадбир орқали Япония компаниялари ўзбекистонлик шериклар билан амалий алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш юзасидан самарали музокаралар олиб бориш имкониятига эга бўлганидан мамнун эканлигини айтди. Унинг қайд этишича, Ўзбекистонда етиштириладиган табиий асалнинг деярли барча турларига нисбатан японилик истеъмолчилар орасида талаб катта. "Шу боис "Toyohara Co. Ltd." компанияси ўзбек асалини Япония бозорига олиб киришни режалаштирмоқда", деди у.

**"Жаҳон" АА**

*Токио*

Жиззах Вилояти

▼ ПИЛЛАЧИЛИК

# Замонавий пиллахона ва интенсив тутзорлар

## «КУМУШ ТОЛА»НИНГ ЯНАДА СИФАТЛИ ВА МЎЛ БЎЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Пиллачиларнинг қурт боқиш мавсуми яқинлашгани сайин "Жиззахпахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов масканлари саноатчиларининг ҳам ташвиш-ҳаяжонлари ортиб, ишлари кўпайиб бораётир. Гап шундаки, улар йил бошида вилоятда пилла етиштиришни янада кўпайтиришга ҳисса қўшиш мақсадида тизим корхоналари қошида қурт боқишга ихтисослашган 12 та пиллахона ва 72 та сервис хизмати кўрсатиш мажмуасини қуришни бошлаган эдилар. Айни пайтда ушбу иншоотларда сўнгги пардозлаш, жиҳозлаш ишлари амалга оширилаётир.***

Бу саъй-ҳаракатлар вилоятда ўтган йили боқилган 11 минг ўрнига жорий йилда 12 минг қути қурт уруғи боқиш ҳамда белгиланган 605 тонна "кумуш тола"нинг 60 тоннасини янги қурилаётган пиллахоналарда ишлаб чиқариш имкониятини яратмоқда.

Соҳада юқори маҳсулдорликка эришиш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш, қулай меҳнат шароитлари яратиш, моддий рағбатлантириш ва манфаатдорликни ошириш талаб этилади. Бирлашма маъмурияти томонидан шуларни ҳисобга олиб, амалий-ташкилий ишлар қилиняпти. Жумладан, туман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда ҳар бир пиллахона яқинидан 5 гектардан, жами 65,7 гектар эски тутзорлар тасарруфга олиниб, юқори агротехник қоидалар асосида парваришланаётир. Бундан ташқари, ҳар бир пиллахона учун 5 гектардан янги — интенсив тутзорлар барпо этилди.

— Интенсив тутзорларимиз учун Хитойдан 742 минг туп тут кўчатлари келтирган эдик, — дейди бирлашманинг қишлоқ хўжалик бўлими бошлиғи Алишер Салоҳиддинов. — Вақтида келтириб, вақтида экканимиз туфайли барча кўчатлар тўлиқ амал олди. Бу, яхши истиқболдан, юксак самарали натижалардан нишона. Демак, бу йил 60 тонна ҳосил етиштирсак, бу кўрсаткични келажакда 100 тоннагача кўтариш имкониятимиз бўлади.

"Зарбдорпахтатозалаш" корхонаси қошидаги пиллахона ўзининг муҳташам кўриниши билангина эмас, керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани, иситиш тизимининг мукаммаллиги, ҳаво ҳарорати ва намлигини ўлчайдиган асбобларгача ўрнатилгани туфайли пиллачиларни мамнун этмоқда.

— Пиллахонамизда 70 қути қурт боқиб, 42 тоннадан зиёд "кумуш тола" етиштирамиз, — дейди корхона раҳбари Хуршид Маматқулов. — Бунинг учун барча тайёргарлик ишларини кўриб қўйганмиз. Жумладан, 30 нафар тажрибали пиллачилар билан шартнома тузиб, ҳар бири учун икки нафардан баргчини бириктдик. Керагича тўшама қоғозлар тайёрлаб, сўкичаклар ўрнатдик. Хоналарни яна бир карра дезинфекциялаб чиқишни, пиллахона ҳовлиси ҳудудида сўнгги тозалаш ишларини бажаришни ҳам унутганимиз йўқ. Мақсад, мўл пилла ҳосили етиштириш экан, унга астойдил ҳаракат қиламиз.

"Жиззахпахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси жамоаси вилоят пиллачилари "кумуш тола" етиштиришга муносиб ҳисса қўшиш учун мана шундай ибратли ишлар қилишяпти.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

**Деҳқонларимизнинг шундай ибораси бор: бир ҳовуч дон – бир сават нон. Бу дон баракаси унинг донасидадир, деган ибора билан ҳамоҳанг келади. Айни кунларда ғаллазорларда майсалар парваришига қизғин киришган ғаллакорларимиз ҳосилни кўпайтириш баробарида уни сақлашга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу жараёнда масъул идоралар ходимлари ҳам ғаллакорларга камарбаста бўлаётир.**

# ПАЙҲОНСИЗ ЭКИН ҲОСИЛ САЛМОҒИНИ ОШИРАДИ

## ШУ БОИС, ЭКИН МАЙДОНЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Хусусан, Қашқадарё вилояти Ички ишлар органлари томонидан ҳам қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилинишининг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланиб, жойлардаги бўлимлар орқали бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда.

Вилоятимиз бўйича экин майдонлари пайҳон қилинишининг олдини олиш ва ғалла майдонларини четан билан ўраш бўйича 530 та гуруҳ ташкил қилиниб, унга 490 нафар ички ишлар идоралари ходимлари, 1941 нафар дала қоровуллари ва жамоатчилик вакиллари бириктирилган. 340 та кузатув постларида туну кун иш ташкил этилган.

Экин пайҳонининг олдини олиш мақсадида 1450 километр масофадаги ғаллазорлар атрофи четан билан ўралди. Бироқ шунга қарамасдан ҳали ҳам пайҳонга йўл қўйиш ҳолатлари учраб турибди. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ана шундай 4 та ҳолат қайд этилди. 71 бош майда шохли моллар томонидан 1,012 гектар ғаллазорнинг пайҳон қилинишига йўл қўйилди. Бу каби масъулиятсизлик Нишон, Касби, Миришкор туманларида содир этилган. Жумладан, шу йилнинг 22 февраль куни Нишон туманидаги Қирққулоч ҚФЙда яшовчи Ҳамидулла Ризоқуловнинг 3 бош майда шохли моли шу ҳудуддаги "Абдураимов Жамолиддин" фермер хўжалигига қарашли ғалла майдонларига кириб, экинни пайҳон қилган. Етказилган зарар Х.Ризоқуловдан ундириб олинди. Ёхуд жорий йилнинг 23 февраль куни Касби туманидаги "Ҳамдам бобо Равшанов" фермер хўжалиги ғалла майдонига фуқаро Юсуф Тоштемировнинг 2 бош қўйи кириб, экинларни пайҳон қилди. Бу ҳолат бўйича баённома тузилиб, тумандаги Комилон ҚФЙга юборилди. Натижада ҳуқуқбузар Ю.Тоштемировга жарима жазоси тайинланди. Шунингдек, Миришкор туманидаги "Сувонов Боймурод Бойматович", "Умидиллаев Яҳёбек" фермер хўжаликларида ҳам ана шундай ҳолатлар аниқланиб, ҳуқуқбузарлар қонунга мувофиқ тегишли жазога тортилди.

Юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган деҳқонларимиз меҳнатини қадрлаш бу нафақат бизнинг, шу билан бирга, кенг жамоатчиликнинг бурчидир. Ана шу юксак туйғу биз ички ишлар идоралари ходимларини ҳам бебаҳо бойлигимизни асраб-авайлашга, уни нест-нобуд қилмасдан парваришлаб, эл хирмонининг янада сарбаланд бўлишида ҳамкору ҳамфикр бўлишга ундайверади. Зеро, ушбу саъй-ҳаракатлар дастурхонимиз тўкинлиги, турмушимиз ободлигини таъминловчи асосий омиллардан биридир.

**Маҳмадиёр ХОЛМУРОДОВ,**
*Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи,*
**Чориёр МАҲМУДОВ,**
*вилоят Ички ишлар бошқармасининг катта инспектори.*

Қорақалпоғистон Республикаси

# ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

***Нукус Енгил саноат ва озиқ-овқат касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.***

Тадбир "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Нукус шаҳри, Хўжайли ва Нукус туманлари ҳокимликлари, Бандликка кўмалашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда жами 81 та корхона, ташкилот ва кичик бизнес субъектлари 369 та бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Ярмаркага 5616 нафар талабгор, шундан олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг 631 нафар битирувчиси жалб қилинди. Тадбир мобайнида 258 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилиб, касб-ҳунар коллежларининг 70 нафар битирувчиси билан уч томонлама шартномалар тузилди.

– Ёшларни иш билан таъминлашда бундай ярмаркаларнинг аҳамияти катта, – дейди тадбир иштирокчиларидан бири Ойсулув Қошмуратова. – "Нукус текстил" масъулияти чекланган жамиятига ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлдим. Бундан жуда мамнунман.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

# ТАЙЁР ДАСТЁР, САЛОМАТЛИККА ҲАМ ФОЙДАСИ БОР



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

**(Боши 1-саҳифада)**

Лойиҳанинг биринчи босқичида бу ерда 47 киши иш билан таъминланган бўлса, ишлаб чиқариш кенгайиши билан корхонада қўшимча иш ўринлари яратилиб, ҳозирда ишчилар сони 70 нафардан зиёдни ташкил этмоқда. Эътиборлиси, ишловчиларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир.

Ҳозирда корхонада ойига 4 мингдан зиёд велосипед ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилда эса истеъмолчиларга жами 35 мингта маҳсулот етказиб бериш режалаштирилган.

– Ҳозирча велосипеднинг бутловчи қисмлари хориждан келтириляпти, – дейди корхона раҳбари ўринбосари Иқболжон Иномжонов. – Бироқ бу вақтинчалик ҳолат, маҳаллийлаштириш дастури асосида босқичма-босқич барча деталларни шу ерда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида иш олиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўзида 31 фоиз, 2014 йилда 38 ва 2015 йилга бориб 60 фоиз бутловчи қисмларни корхонамизнинг ўзида тайёрлашни мақсад қилганмиз. Бундан ташқари, ёшлар ўртасида велосипедни тарғиб қилиш, вилоятда велотреклар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиб, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш каби лойиҳаларимиз ҳам бор. Жумладан, яқин кунларда "Соғлом ҳаёт" лойиҳаси асосида водий бўйича веломарафон ўтказмоқчимиз. Бу акция маҳсулотимизнинг ўзига хос рекламаси бўлиши билан бирга, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга хизмат қилади.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд Вилояти

▼ КЎРГАЗМА

# «Биз буюк юрт фарзандларимиз»

*Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси "Чорсу" тасвирий санъат галереясида "Биз буюк юрт фарзандларимиз" деб номланган кўчма кўргазма ташкил этилди.*

Мазкур кўргазма Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида халқимизнинг бой қадриятларини кенг тарғиб қилиш ва уларнинг маънавиятини ўстириш, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда таълимда узвийликни давом эттириш, тасвирий-амалий санъатни ўқитиш методикаларини ўргатиш ва янада равнақ топтириш мақсадида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида сўзга чиққанлар юртимизда маданият ва санъатга берилаётган эътибор, тасвирий санъат ва рассомчилик борасида эришилаётган ютуқлар ҳақида гапирдилар.

— Кўргазмага Республика рассомчилик коллежи ҳамда А.Хожиев номидаги Республика дизайн коллежи ўқувчи-ёшларининг юздан ортиқ рангтасвир, графика, кулолчилик, декорация, ўймакорлик, каштачилик каби ишлари қўйилган, — дейди "Чорсу" тасвирий санъат галереяси раҳбари Баҳром Йўлдошев. — Бундай кўргазма Қашқадарё вилоятида ҳам ўтказилганди. Бу каби тадбирлар ёш иқтидорларнинг юзага чиқишига, янги изланишларга туртки бўлади.

— Мен ҳайкалтарошликка қизиқаман, — дейди Самарқанд вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчиси Наврўз Ўсаров. — Айни пайтда таниқли ва катта мактаб яратган устозлардан сабоқ оляпмиз. Бугунги кўргазмада кўплаб ёш ижодкорлар яратган асарларни кўриб, яхши таассурот олдим. Мен ҳам келажакда миллий ҳайкалтарошликнинг бетакрор намуналарини яратишни ният қилдим.

**Акбар ҚАРШИЕВ**

# ҲАР БИР ТАДБИР ОБИ-ТОБИДА

**Вилоят ҳокимлиги томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда таъкидланганидек, вилоятда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, жумладан, ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида тегишли дастурлар асосида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Натижада 2012 йилда қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш олдинги йилга нисбатан 7,3 фоизга ўсди. Ғалла, пахта, сабзавот, полиз, мева-узумчиликдан юқори ҳосил олинди. Жумладан, 912,8 минг тонна ғалла, 424 минг тонна пахта, бир миллион тоннадан ортиқ сабзавот, полиз ва мева йиғиштириб олинди.**

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 515,7 минг гектар майдонни сув билан таъминлаш мақсадида 13 та сув омбори, 2245 километр хўжаликлараро ирригация тармоқлари, 1979 та гидротехник иншоот, 1698 дона гидропост ва бошқа сув иншоотларининг узлуксиз ишлаши бўйича чоралар кўрилмоқда.

2008-2012 йиллар мобайнида 149 та лойиҳа асосида 3590,74 километр узунликдаги зовурларни қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Натижада 3908 та фермер хўжалиги ҳудудидаги 80 минг 900 гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Пахта ҳосилдорлиги ўртача 2,3, ғалла ҳосилдорлиги 2,6 центнерга ошди.

Осиё тараққиёт банки иштирокидаги "Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш" лойиҳаси доирасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Биргина 2012 йилда 2 та лойиҳа асосида 166 километр узунликда 4149 миллион сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди. 4010 гектар кучли шўрланган ерларнинг шўри ювилди. Натижада Нишон туманидаги "Тоҳирий", Муборак туманидаги "Уста Ғани қизи", "Шоҳрух Маҳлиё" фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги 5-7 центнергача ошди.

Обод турмуш йилида ҳам бу каби ишлар давом эттирилиб, Косон туманидаги магистрал ва хўжаликлараро коллекторларда қайта тиклаш ишлари амалга оширилаётир.

2013 йил ҳосили учун экилган ғалла ва пахта майдонларида агротехник тадбирлар оби-тобида бажарилаётир. Сирасини айтганда, деҳқонлар ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар бор имкониятларидан унумли фойдаланмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга мутасадди ташкилотлар вакиллари ва мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

**Хусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сурхондарё Вилояти

▼ ФЕРМЕР – ҚИШЛОҚДА ЕТАКЧИ КУЧ

# КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

## ЮРТИМИЗДА ТОБОРА РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ МАВЖУД ЭКИН МАЙДОНЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ ВА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТНИ ҚИШЛОҚДА ҚАЙТА ИШЛАШ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Жарқўрғон туманидаги "Iskandar-Isroil" фермер хўжалиги изчил ривожланиб бормоқда.**
**— Фаолиятимизни бошлаган дастлабки йилларда асосан пахта ва ғалла етиштирар, саноқли қорамол ва қўй-эчкиларни парваришлар эдик, — дейди тажрибали фермер Омон Аҳатов. — Кейинчалик экин майдонларимиз кенгайди, чорва моллари кўпайди. Хўжалигимизни ривожлантириш мақсадида қўшимча тармоқларни йўлга қўйдик. Банкнинг молиявий кўмагидан унумли фойдаланиб, қишлоқда замонавий қайта ишлаш корхонаси очдик.**



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Бугунги кунда мазкур кўп тармоқли фермер хўжалигида 50 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланган. 112 гектар ерда ғалла, 54,4 гектар майдонда пахта, 70 гектар майдонда чорва озуқаси етиштирилаётир. Тўрт гектар майдондаги токзор ва икки гектар майдонда барпо этилган боғ ҳам мўл ҳосил бермоқда. Хўжаликда ташкил этилган иссиқхонада лимон, помидор ва бодринг етиштирилиб, аҳоли арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, мева-сабзавот билан узлуксиз таъминланаётир.

Хўжалик учун ўтган йил ҳам баракали бўлди. Ҳар гектар майдондан 42 центнердан пахта ҳосили олинди. Мавжуд ғалла майдонларидан 400 тоннага яқин сара дон йиғиб олинди ва бу борадаги шартнома режаси ортиғи билан бажарилди. Ўттиз тоннадан зиёд помидор-бодринг етиштирилди. Ўн тонна ўрик, бодом, анор ва лимон ҳосили олинди. Уч минг бош парранда парвариши йўлга қўйилди.

Айни пайтда фермер хўжалигида 246 бош зотдор қорамол ва 420 бош қўй-эчки боқилаётир. Чорвачиликнинг ривожланаётгани сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий корхона барпо этишни тақозо этди. Мазкур корхонада ҳар куни соғиб олинаётган бир тонна сут қайта ишланиб, аҳолига тўрт турдаги сифатли маҳсулот етказиб берилмоқда. Фермер жорий йилда хориж технологияси асосида гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона ҳам бунёд этишни мўлжалламоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги ўтган йилни 371 миллион сўм даромад билан якунлади. 50 миллион сўмга яқин соф фойда олинди. Обод турмуш йилида изланувчан фермер замонавий чорвачилик комплексини бунёд этиб, зотдор қорамоллар сонини уч юз бошга етказиш, паррандачиликни ривожлантириш ҳисобига ҳар куни ўртача етти минг дона тухум олиб, арзон нархларда аҳолига сотишни режалаштирмоқда. Минг тонна сиғимга эга замонавий вакуумли совиткич барпо этиб, мева-сабзавот сақлаш ва унинг бир қисмини қиш мавсумида арзон нархларда ички бозорда сотишни йўлга қўймоқчи. Пилладан йилига икки марта ҳосил олиш мақсадида эрта баҳорда икки гектар майдонга хорижнинг пастқам тут кўчатлари ўтқазилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ва юрт ободлиги, аҳоли фаровонлигини таъминлаш юзасидан қилинаётган кенг кўламли ишларнинг амалий самарасидир.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Бухоро вилояти

▼ ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

# ОБОД ҚИШЛОҚЛАР — ФАЙЗЛИ ҚИШЛОҚЛАР

TOSHKENT
16-17 APREL 2013

**Аҳолининг турмуш даражасини белгилашда нафақат даромад манбаи, балки яшаш шарт-шароити, обод ҳамда замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, зарур инфратузилманинг мавжудлиги ҳам муҳим мезонлардан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан аҳоли турар-жойлари ва ижтимоий соҳа иншоотлари замонавий лойиҳалар асосида кўркам, шинам ва қулай тарзда бунёд этилмоқда.**



*Вобкент тумани «Паноб» аҳоли пунктида бунёд этилган намунавий уй-жойлар.*
**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.**

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси бўйича Бухоро вилоятида ҳам катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур қарор асосида вилоятда 2010 йилда 516 та, 2011 йилда 435 та, 2012 йилда эса 741 та замонавий қиёфадаги турар-жойлар, бир қатор инфратузилма ва объектлар фойдаланишга топширилди. Умуман, шу даврда қишлоқ жойларида жами 1692 та намунавий уй-жой барпо этилди.

Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар мустаҳкамлиги, улардаги яратилган барча шарт-шароитлар қишлоқ аҳлининг эътиборини тортмоқда.

— Яшаб турган янги массивимиз худди шаҳарчани эслатади, — дейди қувонч билан Ғиждувон туманидаги Ғаждумак маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги намунавий уй-жой соҳиби Шукур Тўхтаев. — Бирбиридан чиройли бу бежирим уйлар, кенг кўчалар, равон йўллар, замонавий савдо мажмуалари, мактаб, қишлоқ шифохонаси узукка кўз қўйгандек барчанинг ҳавасини келтиради. Янги уйлар биз учун жуда қулай тарзда бунёд этилган. Айниқса, аёлларимизнинг қувончи жуда чексиз. Қишлоқда турсак-да, худди шаҳардагидек қулай шароитларда яшаяпмиз.

Вилоятнинг барча қишлоқ жойларида қурилган замонавий уй-жойларда ана шундай барча зарур инфратузилма яратилган. Жумладан, умумтаълим мактаблари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт майдончалари, ёзги тўйхона қишлоқ аҳолиси ихтиёрида. Равон, кенг йўллар, йўлакларга ўрнатилган тунги чироқлар, қатор экилган мевали ва манзарали дарахтлар, янги боғлар қишлоқ кўркига-кўрк, чиройига-чирой қўшиб турибди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида юртимизда ёш оилаларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар беришга доир вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб ҳозирда Бухоро вилоятида ҳам "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш борасидаги хайрли ишлар давом этмоқда.

**Зарифжон КОМИЛОВ,**
**"Туркистон-пресс" мухбири.**

Самарқанд вилояти

# АХБОРОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНМОҚДА

Вилоят ҳокимлигида «Фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш» мавзусида семинар ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ишчи комиссияси ва вилоят ишчи гуруҳи аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига вилоятдан сайланган депутатлар ва Сенат аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида"ги Фармойишига мувофиқ Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги долзарб вазифалар, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнлари ва уни қўллашнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида сўз борди. Давлатимиз раҳбари парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шу асосда ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тадбирда таъкидланишича, қонун лойиҳасини тайёрлашда ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ўрганилиб, ахборот ҳуқуқи соҳасида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар тавсиялари инобатга олинган. Ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси, хусусан, хорижлик эксперлар иштирокида кенг муҳокама этилган. Шунингдек, юртимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган қирқдан ортиқ конференция, семинар ва давра суҳбатлари якунлари бўйича мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштиришга оид юзга яқин таклиф умумлаштирилди.

Семинарда қайд этилганидек, вилоятда қонун лойиҳаси экспериментининг самарали амалга ошириш мақсадида унда баён этилган нормаларнинг маҳаллий давлат органлари фаолияти очиқлиги, шаффофлиги, улар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик фойдаланишини таъминлашга қаратилган қоидалари самарадорлигини аниқлаш бўйича мониторинг амалий тадбирлар ўтказилди. Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқаруви идоралари веб-сайтлари қонун лойиҳасида белгиланган ахборотлар билан тўлдирилиш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

Семинарда ҳуқуқий экспериментнинг турли йўналишлари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилиб, долзарб вазифалар белгилаб олинди. Тадбир доирасида иштирокчилар ҳуқуқий экспериментнинг татбиқ этилиши бўйича вилоят адлия, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ва бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилаётган ташкилий тадбирлар билан танишдилар.

Семинарда вилоят ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Навоий вилояти

▼ ЭКОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

# ТУПРОҚ СОҒЛОМЛИГИ — ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

**Тупроқ ташқи муҳитнинг асосий элементларидан биридир. Вируслардан тортиб одамзодгача, ўсимликлардан ҳайвонларгача барча-барчасининг ҳаёти тупроқ билан боғланган. Тупроқда яшайдиган жониворлар ундан озиқ олса, одамзод ердан униб чиққан маҳсулотлардан баҳраманд бўлади. Демакки, одам ва ҳайвонларнинг саломатлиги тупроқнинг санитария ҳолатига боғлиқ.**

Тупроқ қатламида пайдо бўладиган ўзгаришлар фақатгина ернинг чиройини очибгина қолмай, балки унинг таркибини ҳам ўзгартириб юборади. Бу эса турар-жойларда яққол кўринмоқда. Саноат корхоналари зич жойлашган ҳудудларда тупроқ турли кимёвий элементлар, органик моддалар билан тўйинмоқда. Тупроқ таркибида жуда кўп микроорганизмлар мавжуд. Улар қуёшнинг ультрабинафша нурлари таъсирида қирилса, 5-10 сантиметр чуқурликдагиси эса аксинча кўпаяди. Тупроқ микробларни озиқ, намлик ва ҳаво билан таъминлайди. Бу омиллар микроорганизмлар яшаши учун шароит яратади. Микроорганизмлар органик моддаларнинг парчаланишига ёрдам беради. Тупроқда, шунингдек, бир ҳужайрали содда ҳайвонлар, моғорлар, чувалчанглар ва пашша тухумлари яшайди. Бундай жониворлар ҳам тупроқдаги органик моддаларни парчалаб, унинг чиқиндилардан тозаланишига ёрдам беради.

Гигиеник ва эпидемиологик жиҳатдан хавфли томони шундаки, тупроқда микроорганизмлар анча узоқ яшайди.

Масалан, қора тупроқли, қум-тупроқли ерларда ичбуруғ микроблари 25 кундан 100 кунгача, қорин тифи ва паратиф микроблари эса 100 кундан 400 кунгача яшаши мумкин. Тупроқнинг табиий ҳолатини айниқса, саноат корхоналаридан чиқаётган чиқиндилар бузмоқда. Саноат корхоналаридан 2-12 километр узоқликдаги масофадан симоб, маргимуш, фтор, темир ва бошқа шу каби элементлар топилган. Улар ўсимлик таналарига ўтиб, уларни зарарлаши мумкин. Ўсимлик таркибида саноат чиқиндиларининг мавжудлиги, ҳайвонлар ва инсонлар соғлиги учун жиддий хавф туғдиради.

Тупроққа кимё заводлари ва бошқа манбалардан рак касаллигини келтириб чиқарувчи канцероген моддалар ҳам тушиши мумкин. Бу жиҳатдан бензипирен моддаси жуда хавфли. Қишлоқ хўжалигида кимёвий моддаларнинг ишлатилиши тупроқда шу моддалар тўпланишига сабаб бўлмоқда. Улар ҳаво орқали, ерга чиқиндиларнинг тўғридан-тўғри ташланиши оқибатида ёки дориланган уруғлар орқали ерни ифлослантирмоқда. Айниқса, хлорорганик моддаларнинг тупроқда парчаланмай, 4-10 йилгача яшаши олимларни ташвишга солмоқда. Улар тупроқ ифлосланишининг олдини олиш йўлида бир қанча тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Саноат корхоналарининг қоидага бўйсунган ҳолда ишлашини кузатмоқдалар, иқлим шароитига аҳамият берган ҳолда тупроқлар учун рухсат этиладиган миқдорларни яратмоқдалар.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги сингари Навоий вилоятида ҳам тупроқ муҳофазаси бўйича тегишли тадбирлар белгиланиб, қатор ишлар амалга ошириб борилаётир. Талабга жавоб бермайдиган намуналар аниқланган жойларда белгиланган тартибда тупроқнинг санитария-гигиена ва эпидемиологик жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

**Учқун ОБЛОҚУЛОВ,**
**Навоий вилояти ДСЭНМ**
**санитария бўлими мудири.**

○ Реклама ва эълонлар

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Навоий шаҳар ҳокимининг 11.04.2013 йилдаги 01-02/270 - сонли алоқа хатларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Автомобилларга сиқилган газ тарқатиш компрессор станцияси (АГНКС) қуриш учун, Навоий шаҳар саноат ҳудуди "ГМЗ-1" ва "Навоийазот" ОАЖ корхоналари оралиғидан 18000 кв.м (8000 кв.м.да қурилиш ва 10000 кв.м.да кўкаламзорлаштириш)дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 4 653 600 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Навоий шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 16 май куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Навоий шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 17 май куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 17 май куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ "Ипотека банк" Навоий шаҳар филиалидаги: МФО 00205, СТИР 207122519, 20208000504920609007 ҳ/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Навоий вилояти Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. (8-436) 224-15-61, user07@inbox.uz. **Лицензия** № RR 0001. www.1kms.uz.

*КОРХОНА ВА КИЧИК БИЗНЕС ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!*

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Нанай ҚФЙ Қизилёзи МФЙда 30 та турар жой уйлари учун ташқи сув тармоғи қурилиши.**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан 128 873 105 сўм, ҚҚСсиз 107 281 754 сўм.

**Якунлаш муддати** – 60 кун.

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри А.Темур кўчаси 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси Тел.: (8-369) 226-22-60, факс 33-06-11.

**Лойиҳани молиялаштириш** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

**Диққат,** *500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.*

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак:** танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотларга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:

Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга: Наманган шаҳар Навоий кўча 22-уй. Тел.-факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш. А.Навоий кўча 22-уй.

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 29 апрель куни соат 11:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автомототранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: ЖИБ Мингбулоқ тумани судининг 06.01.2012 йилдаги ажримига асосан Наманган тумани СИБ томонидан хатланган, Наманган тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1988 й. и/ч "М-2140" русумли, д/р 16 V 1619, бошланғич баҳоси 812 930 сўм; ЖИБ Чортоқ тумани судининг 12.07.2012 йилдаги 1-166-сонли ижро варақасига асосан Наманган тумани СИБ томонидан хатланган, Наманган тумани "Баркамол Бобур Петрол" МЧЖда сақланаётган, и/ч й. номаълум "Урал ИМЗ-8.10" русумли, давлат белгисиз, бошланғич баҳоси 224 386 сўм; ЖИБ Поп тумани судининг 20.06.2012 йилдаги 1/111-сонли ижро варақасига асосан Поп тумани СИБ томонидан хатланган, Поп тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1981 й. и/ч "Камаз-5320" русумли, д/р 16 АК 100, бошланғич баҳоси 18 021 694 сўм, 1989 й. и/ч "ГАЗ 53 АБЦ" русумли, д/р 50 383 GAA, бошланғич баҳоси 8 714 842 сўм, 1989 й. и/ч "ГАЗ 5204" русумли, д/р 16 I 3618, бошланғич баҳоси 6 821 227 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 га қадар қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан 1 (бир) кун аввал соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автомототранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги (ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлими МФО: 00223, СТИР: 302083379, 20208000104932168005 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. **Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:** 160100, Наманган шаҳри Банк кўчаси 9-уй 15-хона. Мурожаат учун тел/факс: (8369) 226-41-66, E-mail: uainvest@mail.ru.

***Гувоҳнома: 004059***

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!**

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ-ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2013 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ҚУРИЛИШ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ИНШООТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ТАКРОРАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**«Бухоро вилояти Ромитан тумани «Шўрча» ҚФЙ «Кокиштувон» аҳоли пунктидаги якка тартибдаги уй-жойлар учун келтирувчи ва тарқатувчи сув тармоқлари қурилиши ҳамда «Кўлиболо» аҳоли пунктидаги сув иншоотларини реконструкция қилиш»**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 420 076 000 сўм (ҚҚС билан), 350 063 400 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 5 ой.

**Қурилиш ишлари** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган иншоотга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

**Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:** қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй 18-хона. Телефон/факс: (8-365) 223-96-29, 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – Юз минг сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй 18-хона.

Тошкент ш. Яккасарой т.да рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Файзиев Нурали Саидалиевич номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" томонидан Хаитова Дильбар Халиловна номига Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. Уйғур кўч. Кўкча бозорида жойлашган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси учун берилган (ТА 1675777; 13451-24; 12.12.2012 й.) гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т.даги 170-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1996 йили Гапирова Лола Кадыровна номига берилган UZK 057533-сонли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянную лицензионную карточку АТ № 0030641, выданную 18.09.2012 г. Департаментом по лицензированию автотранспорта Ташкентской обл. на ООО "ALBATROS MOVIY ELKAN", считать недействительным.

Утерянную лицензионную карточку АТ № 1035158, выданную от 10.01.2012 г. со стороны "Узбекистан Автомобил ва Дарё Транспорти Агентлиги" г. Ташкента на СП ООО "NAVRUZ INTERNATIONAL CORP.", считать недействительным.

ЧП "DJARA" (ИНН 201365196), зарегистрированное ИРСП при хокимияте Сергелийского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент Сергелийский р-н ул. Сугдиёна-1, почтовый адрес: массив Сергели-7 д. 11, преобразуется в ООО "DJARA". Претензии принимаются по тел.: 963-04-87.

"Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси" томонидан "GOLD AND DIAMOND ESTIMATE" МЧЖга қарашли Тошкент ш. Чилонзор т. Бунёдкор шоҳ кўч. 15/1 манзилидаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси учун берилган кадастр ҳужжати (реестр № 3-106/2013, 29.01.2013 й.) ва ТА № 1727433 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т.да рўйхатдан ўтган "SHARF-SHIRIN" МЧЖ (ИНН 204684390) устав фонди 530 875 800 сўмдан 330 875 800 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Тошкент вил. Зангиота т.да рўйхатга олинган "REAL PLAST PROM" МЧЖнинг устав фонди 43 390 000 сўмдан 26 150 000 сўмга камаяди. Жамиятнинг устав фонди 17 240 000 сўм деб белгиланди. Маълумотлар ва эътирозлар Кўксарой ҚФЙ Шифобахш сувлар кўч. манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: 317-40-80.

Утерянный земельный кадастр выданный хокимиятом Юнусабадского р-на по адресу Юнусабадский р-н ул. Кадыра Максумова д. 29 на имя Козловой Галины Михайловны, считать недействительным.

ООО "SPRING", зарегистрированное в Хокимияте Мирабадского р-на (реестр № 002477-03, 18.09.2009 г.) в связи с выходом из состава учредителя сообщает об уменьшении уставного фонда с 784 205 727 сум на 48 625 727 сум.

Тошкент вил. Қуйи Чирчиқ т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИда (реестр № 1249, 27.08.2007 й.) рўйхатдан ўтган Қуйи Чирчиқ т. "Тошовул" ҚФЙ М.Отажонов ф.х.у.да жойлашган "TOGIZBOY OTA" (СТИР 203601272) фермер хўжалиги ихтиёрий равишда тугатилади. Даъволар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти ТСРЎИда (реестр № 005797-05, 06.04.2012 й.) рўйхатга олинган "SUVSANOATMASH MEXANIKA" унитар корхонасининг устав фонди 18 298 088,76 сўмдан 4 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Утерянный приложение к диплому В № 657084 (вкладыш с отметками) выданный в 2012 г. Университетом Мировой Экономики и Дипломатии на имя Гадеева Рустама Дамировича, считать недействительным.

Утерянный диплом НВ № 939199 выданный в 1986 г. "Тошкент Давлат Медицина Институти Меҳнат Кизил Байрок орденли" на имя Хаитбаевой Матлубы Файзуллаевны, считать недействительным.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н Лисунова-4 д. 8 кв-ра 36, выданный кадастровой службой Хамзинского р-на на имя Эшанходжаева Абдумумина Ходжимурадовича, считать недействительным.

ООО "VITA DE FRUTTA" (ИНН 300547798) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на (№ 003182-08, 22.05.2009 г.), расположенное по адресу: массив Алмазар д. 14 кв-ра 83, ликвидируется (протокол собрания учредителей от 10.03.2013 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 245-82-25.

БОЖХОНА НАЗОРАТИ

# МАЛҲАММИ ЁКИ ОҒУ?

**Ўтган асрнинг 80-йилларида жаҳон фармацевтика бозорига кириб келган қалбаки ва сифатсиз дорилар тушунчаси бугун шу қадар кенг қулоч ёйди-ки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига асосланадиган бўлсак, ноқонуний дори-дармон савдоси айланмаси йилига 30 млрд. АҚШ долларигача етган. Оқибатда эса қалбаки ва сифатсиз дори-дармонлар ҳар йили дунё бўйлаб 1 миллионга яқин инсоннинг умрига зомин бўлмоқда. Глобал тус олган ушбу иллат мамлакатимизга ҳам дахл солмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.**



Республикамизда фармацевтика фаолияти «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонун ва бир қатор қонун ости ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ушбу Қонуннинг 14-моддасига кўра, дори воситалари, тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилишнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган ягона тартиби амал қилади.

Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек, республикамизда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини юртимиз ҳудудига импорт қилиш тақиқланади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида"ги Қарорида кўрсатиб ўтилган импорт қилинадиган, давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарлари рўйхатига дори-дармон воситалари ҳам киритилган.

Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмасдан, дардига дармон излаган юртдошларимизга мўмай даромад илинжида малҳам эмас, "оғу" тутаётган сохта "фармацевт"лар ҳам учраб турибди.

Республикамиз божхоначилар томонидан эса сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган дори-дармон воситалари ва фармацевтика маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Жумладан, "Москва–Самарқанд" йўналишида парвозини якунлаган Ш.Кахаровнинг қўл юклари ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, стоматологик фаолиятда фойдаланиладиган 3 турдаги 840 қути тиббий воситалар борлиги аниқланди. Божхона баённомасида ва оғзаки сўровлар пайтида маълум қилинмаган ушбу маҳсулотларнинг умумий қиймати 14 млн. сўмни ташкил қилар экан.

Москвадан учиб келган Т.Абдумажидовнинг "аптечка"сидан эса 14 турдаги 2900 донадан ортиқ дори-дармонлар жой олганига нима дейсиз? Қарангки, қиймати салкам 2,7 млн. сўмлик мазкур фармацевтик маҳсулотларига тегишли ҳужжатларни тақдим қила олмаган ушбу қонунбузар наманганлик божхоначилар қаршисида ер чизиб қолди.

Шунингдек, вилоят божхоначилари томонидан Янгиқўрғон туманидан ҳаракатланаётган "Газ-3129" русумли автомашина тўхтатилиб текширилганда, унда ушбу туманда истиқомат қилувчи О.Юлдашевга тегишли бўлган салкам 500 дона "Алоэ" дори воситалари ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги аниқланди. Муқаддам айланма йўллар орқали республикамизга олиб кирилган ушбу дори воситаларининг қиймати 1,5 млн. сўмдан ортар экан.

"Тошкент" халқаро аэропортида ҳам сохта фармацевтлардан бирининг фаолиятига чек қўйилди. Гап шундаки, Истамбулдан қайтган қўқонлик Д.Шадманов 43 минг дона "Atarax" таблеткалари ва 762 дона «Fraxiparine» номли дори воситаларини қўл юклари орасига яширган ҳолда олиб ўтишга уринган пайтда фош қилинди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш)га сертификатлар ва транзит тарзида ўтказишга рухсатномалар Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилади. Шунингдек, ушбу қарорда Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатлари ҳам тасдиқланган.

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Бош почтамт" божхона пости ходимлари томонидан мазкур рўйхатга киритилган бир қатор дори воситаларининг ноқонуний равишда олиб кирилишига нуқта қўйилди.

Жумладан, пойтахтимизда истиқомат қилувчи Р.Галина номига Исроилдан юборилган почта жўнатмаси ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, буюмлар орасида 6 турдаги салкам 90 дона таблеткалар, шу жумладан, психотроп таблеткалар ҳам юборилгани аниқланди.

Исроилдан йўлланган яна бир жўнатмадаги 30 дона "Диазепам" психотроп таблеткалари ҳам пойтахтлик К.Екатеринага насиб қилмади.

Келес" темир йўл божхона постида эса Россия федерациясига отланган З.Анастасиянинг 21 дона "Фенозепам" психотроп таблеткаларини божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилишга уринган ҳолда ўзи билан олиб чиқиб кетиш режаси наф бермади.

Шунингдек, пост ходимлари «Москва–Тошкент» йўналишидаги поезд йўловчиси А.Ганиеванинг ноқонуний олиб киришга уринган салкам 22 млн. сўмлик товар-моддий бойликлари орасида 7 турдаги 1,5 минг дона дори-дармон воситалари ҳам борлигини аниқлашди.

Шу каби ҳолат Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам фош қилинди. Юртимизга кириб келаётган қўшни давлат фуқароси М.Умартаев 31 та "Фенозепам" таблеткаларини божхона баённомасида ва оғзаки сўрови вақтида қайд этмасдан, олиб ўтишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари ва текширув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 2012 йил давомида ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аниқланган 200 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган қиймати салкам 1,8 млрд. сўмлик дори-дармон воситалари ва фармацевтика маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, дори-дармон харид қилаётган юртдошларимиз зиммасида ҳам катта масъулият ётади. Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 6 моддасига кўра, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Жумладан, дориларни харид қилиш чоғида ҳам харидор дорихона сотувчисидан сотиб олинаётган дори-дармоннинг сифатини тасдиқловчи мувофиқлик сертификатини талаб этишга ҳақли. Модомики, талабингиз рад этилдими? Демак, буёғини тушунгандирсиз...

**Ҳусен ТАНГРИЕВ,**
**Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати катта инспектори.**




«ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2013»

## НАВБАТДАГИ ҒОЛИБЛАР МАЪЛУМ




**Пойтахтимизда давом этаётган оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги IV жаҳон чемпионатининг навбатдаги ғолиб ва совриндорлари маълум бўлди.**



Ўсмирлар ўртасида вазни 62 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида Корея Халқ Демократик Республикасидан келган Ёнг Гван Квон штангани даст, силтаб кўтариш ва иккикураш бўйича учта олтин медалга сазовор бўлди. Мисрлик Аҳмад Эмад Гоуда иккита кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, қозоғистонлик Михайл Макеев битта кумуш ва иккита бронза, россиялик Эдуард Ананян эса битта бронза медални қўлга киритди.

69 килограмм оғирликдаги ўсмирлар мусобақасида қозоғистонлик Алберт Лайндер иккита олтин ва бир кумуш медаль соҳиби бўлди. Мисрлик Аҳмад Одил Муҳаммад биттадан олтин ва кумуш медални қўлга киритди. Хитойлик Юфу Сан биттадан кумуш ва бронза, мисрлик Карим Иброҳим ва болгариялик Бодзидар Андреев биттадан бронза медалга лойиқ топилди.

Ушбу вазн тоифадаги спортчилар баҳсида қатнашган ҳамюртимиз Абдуқодир Абдухалилов штангани даст кўтаришда 109 килограмм, силтаб кўтаришда 136 килограмм ва иккикурашда 245 килограмм натижа қайд этди.

Вазни 58 килограммгача бўлган қизлар баҳсида совринли ўринлар хитойлик Ченгю Вей, таиландлик Камончанок Интамат, мексикалик Ана Дуран ва мисрлик Эсра Ал-Сайидга насиб этди.

Мусобақа давом этмоқда.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

«УНИВЕРСИАДА-2013»

## КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА




**Қарши шаҳрида жамоавий спорт турлари бўйича «Универсиада-2013» спорт ўйинларининг минтақавий мусобақалари бўлиб ўтди.**

Унда Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг олий таълим муассасалари талабалари спортнинг баскетбол, волейбол ва қўл тўпи турлари бўйича куч синашдилар. Қўл тўпи бўйича майдон эгаларининг қизлар ва йигитлар жамоалари барча учрашувларни юқори савияда ўтказиб, беллашув ғолибига айландилар. Футболчилар баҳсида ҳам омад қашқадарёлик "чарм тўп" эгаларига насиб этди. Улар ҳал қилувчи ўйинда бухоролик тенгдошларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош мукофот соҳиби бўлдилар.

Волейбол ва баскетбол беллашувлари ҳам муросасиз ўтди. Унда бухоролик талабаларга тенг келадиган жамоа топилмади. Шундай қилиб, "Универсиада-2013" спорт ўйинларининг финал босқичида қашқадарёлик талабалар футбол ва қўл тўпи, бухоролик ёшлар жамоаси эса волейбол ҳамда баскетбол бўйича баҳсларда ўз маҳоратини намойиш этади.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Реклама ва эълонлар













Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қашқадарё вилояти Бош бошқармаси жамоаси ушбу бошқарманинг бўлим бошлиғи
**Баҳодир ОМОНОВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-414, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.10
22777 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5